

**Сирожуддин ал-Ўшийнинг “Фатовойи Сирожиййа” асари фатово йўналишидаги асарлар даражасини белгилашда муҳим манба**

**Ilhomjon I. Bekmirzaev\***

**Тезис**

Ушбу мақолада Сирожуддин ал-Ўшийнинг ҳанафий фақиҳлари орасидаги илмий мақоми, унинг илмий мероси фатво бериш услублари ва “Фатовойи Сирожиййа” асарининг ўзига хос хусусиятлари ва Ўзбекистон фондларида сақланаётган қўлёзма нусхалари ва асарнинг қўлёзма ҳамда нашрлари орасидаги фарқлар очиб берилган.

**Таянч сўзлар:** Фатово, Ҳанафий фикҳи, Мовароуннаҳр, Кафавий, Ош.

**Fetvâ Alanındaki Eserlerin Seviyesini Belirlemede Siracüddin el-Üşî'nin *el-Fetâva's-Sirâciyye* Adlı Eserinin Önemli Bir Kaynak Oluşu\*\***

**Öz**

İşbu makalede Siracüddin el-Üşî'nin Hanefî fakihlerin arasındaki mevki ve ilmi miraslarından olan fetva verme usulü ve *el-Fetâva's-Sirâciyye* eserinin kendine has özellikleri açıklanmıştır. Ayrıca Özbekistan'daki vakıflarda bulunan ilgili el yazma eserlerin nüshaları ve el yazma eserler ile neşrolunanların farkları hakkında bilgi verilmiştir.

**Anahtar Kelimeler:** Fetâvâ, Hanefî fikhi, Mâveraünnehir, Kefevî, Oş.

**Sirāj al-Dīn al-Üshī's Work *al-Fatāwā al-Sirājiyya* as Important Source in The *Fatāwā* Abstract**

This article informs about the role of Sirāj al-Dīn Üshī's activities and his status between Hanafī Scholars and in same time article appears Üshī's Works and his methodical practice around fatawa, theoretical sides of *al-Fatāwā al-Sirājiyya* and differences between manuscripts and edition types of *al-Fatāwā al-Sirājiyya*.

**Keywords:** Fatawa, Hanafī Law, Mavaraunnahr, Kafavi, Osh.

**Сирожуддин ал-Ўший яшаган даврда ҳанафий фақиҳларининг жамиятдаги ўрни**

Мовароуннаҳрда ҳанафийлик анъаналарининг вужудга келиши ва ривожланишига Бағдод ва Хуросоннинг таъсири кучли бўлганлигини кўрсатади. Бу давр бўйича фақат Самарқанд ва Бухоро бўйича қониқарли даражадаги маълумотлар мавжуд. Лекин (Ахсикат, Марғинон, Ош, Ўзганд каби Фарғона водийси шаҳарлари, шунингдек, Насаф, Кеш, Термиз, Хоразм бўйича маълумотлар тўлиқ эмас ва бу минтақаларда ҳанафийлик анъаналарини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бухоро бу кезде нисбатан мустақил, Самарқанд эса узоқ вақт Балх билан узвий бирликда ривожланганлиги боис қўплаб Мовароуннаҳрлик фақиҳлар айнан ушбу икки мактабда фақиҳ сифатида ном чиқарганлар [3; 7 б.].

IV/X асрнинг охирида Мовароуннаҳр ҳаётида жуда муҳим воқеа юз берди. Сомонийлар давлатининг қулашидан кейин бу минтақа устидан ҳокимиятни Қорахонийлар ўз қўлларига олдилар (389-607/999-1211). Сирожуддин ал-Ўший яшаган

---

\* Dr., Head of department Islamic law and theology, The International Islamic Academy of the Republic of Uzbekistan, ilhomorient@gmail.com

\*\* Tercüme: Abdullazhon Abdullaev.

давр ҳам айнан ушбу сулола вакиллари ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Маълумки, Қорахонийлар исломни қабул қилган турк қабилалари иттифоқини бошқардилар. Мовароуннаҳрга келган Қорахонийлар, Хуросонни забт этган илк Салжуқийлар (429-485/1038-1092) бошқа мазҳаблар ичида биринчи галда ханафийларнинг ҳомийлари бўлиб чиқдилар. Иккинчидан, улкан Қорахонийлар давлати вужудга келиши натижасида Мовароуннаҳр ҳали ислом чуқур кириб бормаган «Билод ат-турк» (Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзаси, Еттисув ва Шарқий Туркистон) билан бирга бир давлат таркибига кирди. Кўпчилик аҳоли учун ислом янги воқелик эди. Ижтимоий тафаккурда ислом тимсоли ўзлаштирилди ва ривожлантирилди. У ҳали барқарор ҳолатга етишмаган эди. Бутун минтақа миқёсида Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари (биринчи ўринда, Бухоро ва Самарқанд) маънавий ва маданий марказ бўлиб қолди. Учунчидан, Қорахонийлар Сомонийларнинг марказлашган бошқарув тизими ўрнига майда аймоқларга бўлиб бошқариш тузумини киритдилар. Бу тузум маҳаллий ҳокимларни ўз ҳудудларида мустақил қилди. Бу ҳудудларнинг марказларида шаҳар ҳаёти жадаллик билан ривожланди [10. 143 б.].

Қорахонийлар даврида Бухоро ва Самарқанд билан бир қаторда Ўзганд, Ош, Ахсикат, Косон, Марғинон, Хўжанд, Кошғар, Исфижоб ва бошқа вилоят марказларида ҳам шаҳар ҳаёти тараққий этди. Мусулмон дунёсида шаҳарлар ўз-ўзини бошқариш органларига эга эмасдилар. Шаҳарлар ҳаётининг барча тарафлари, ҳаттоки савдо-сотикни ташкил қилиш давлат аппарати томонидан назорат қилинар ва бошқарилар эди. Маиший соҳадаги қулайлик давлат раҳбарининг ёки шаҳар бойларининг ҳимматига боғлиқ эди. Бундай шароитда мусулмон шаҳарларида замонавий социологлар «норасмий лидерлар» деб атаган шахсларнинг роли жуда катта эди. Улар асосан шаҳар аҳолисининг барча табақалари билан боғланган мусулмон фақиҳлари ва илоҳиётчилари орасидан чиққан эдилар. Мусулмон уламоларининг аксарияти савдо-сотик, хунармандчилик фаолиятини олиб борганлар. Диннинг ақидаларини ахлоқий, ҳуқуқий нормаларини ишлаб чиқиш давлат ва унинг диний муассасаларининг эмас, балки диний нуқтаи назардан шахсий ҳукм чиқариш (ижтиҳод) га илмлари етарли деб тан олинган кишилар (мухтаҳид, муфти) томонидан чиқарилар эди. Сомонийларга нисбатан исломий дунёқарашлари соддароқ бўлган Мовароуннаҳрнинг янги ҳокимлари - Қорахонийлар маҳаллий уламо-фақиҳларга катта ҳурмат билан қарадилар. Янги вазиятда фақиҳлар ижтимоий фикрнинг тўлиқ эгалари бўлиб қолдилар. Бироқ, ҳокимлар билан фақиҳлар орасидаги муносабатлар бир текис бўлмай, баъзида кескин тус оларди. Масалан, хоқонга номақбул маслаҳатлар бергани учун машҳур фақиҳ Шамс ал-а'имма Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Сарахсий (в. 486/1093-94 й.) Ўзгандга сургун қилиниб, зиндонбанд қилинган, 461/1069 йили Бухорода Исмо'ил ибн Аҳмад ас-Саффор қатл этилган. Лекин кўпинча ҳукумат ва диний номаёндалар орасидаги муносабатлар тинч характерга эга бўлиб, томонлар бир-бирларининг манфаатларини ҳисобга олишга ҳаракат қилганлар. Марказий шаҳарлардаги ижтимоий барқарорликка путур етказиши мумкин бўлган фақиҳлар бошқа шаҳарларга, кўпинча Кешга сургун қилинганлар. Масалан, Шамс ал-а'имма ал-

ҳалво'ий, Фаҳр ал-ислом ал-Паздавийларнинг вафотларидан сўнг уларнинг жасадлари Кешдан она шаҳарларига олиб келиниб дафн этилган.

Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрда ҳукмронлик даври марказий ҳокимиятнинг заифлашиб бориши ва шаҳар аҳолисининг жамият ҳаётига таъсирининг кучайиши билан характерланади. Шаҳарликларнинг турли гуруҳ ва қатламларининг мафкурачилари - фақиҳ сулолалари ташқи сиёсатдаги кескин ўзгаришлар шароитида мурасачилик мавқеида туриб, бетўхтов ўз ижтимоий ҳолатларини мустаҳкамлаб бордилар. Уларнинг ҳокимларга ва аҳолига бўлган таъсирлари ошди.

«Като'иб а'лом ал-ахйор» асарида Қорахонийлар ҳокимиятининг бошланишидан то мўғуллар юришига қадар (VII-XII катибалар) бўлган давр учун 134 мовароуннаҳрлик фақиҳ биографиялари берилган (ўртача ҳар бир табақа учун 23 биография). ҳар бир катибада бу мактаб намоёндалари биографиялари сонининг ўсиб бориш қонунияти яққол кўзга ташланади [4; 205<sup>б</sup> фикрист қисми].

Фақиҳларнинг асосий кўпчилиги Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида тўпланган эди. Лекин, айтмоқ лозимки, уларнинг сафи турли вилоятлардан келган янги кучлар ҳисобига тўлиб борган. Бу эса ўз навбатида Мовароуннаҳр кичик шаҳарларида ҳам диний-илмий ҳаётнинг юқори даражада бўлганидан дарак беради. Бу каби шаҳарлар орасида Марғилон, Косон, Уструшана, Исфижоб, Ахсикат, Ўзганд, Риштон, Ўш ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Фақиҳларнинг ижтимоий таркибини таҳлил қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, уларнинг кўпчилиги шаҳарнинг ўрта табақаларидан чиққан эдилар. Улар шаҳар ҳаётининг турли жабҳаларида меҳнат қилдилар. Масалан, Шамс ал-а'имма ал-ҳалво'ийнинг отаси ширинликлар билан савдо қилган, Саффорийларнинг аждодлари мисгарлик билан шуғулланганлар. Шу билан бир вақтда фақиҳлар масжид имоми, му'аззини вазифаларини ёки мударрислик вазифаларини адо этганлар. Аввалига улар бу вазифаларни холис - маошсиз бажарганлар. Вақт ўтиши билан фақиҳ фаолият кўрсатаётган жойдаги халқ унинг учун пул тўплай бошлаган.

Фақиҳлар кўпинча ўзларининг расмий лавозимларининг аҳамиятига ижобий ёндашдилар. Ана шу даврдаги 134 фақиҳларга берилган даражаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, улар қози (26 киши), хатиб (7), во'из (5), ра'ис (2) ва муҳтасиб (1) вазифаларини бажарганлар. Улардан баъзилари ҳар қандай лавозимдан бош тортиб, зоҳидлик йўлини тутганлар (14). Бухоролик уламолар ва аҳоли орасида ҳукумат томонидан қўйилган, обрўга эга бўлмаган диний мансабдаги кишига ишончсизликни намоён қилишнинг махсус йўли ишлаб чиқилган: Бухоро Жоме масжидида қабул қилинган қоидага биноан жума ва ҳайит намозлари шаҳарнинг энг билимдон ва тақводор фақиҳи имомлик қилган. Бухорода ал-ҳалво'ийдан то Муҳаммад ибн 'Абд ас-Саттор ал-Кардарийгача (в. 642/1244 й.) бўлган беш фақиҳ «шамс ал-а'имма» («имомларнинг қуёши») лақабини олганлар. Лақаб руҳоний йўл билан устоздан шогирдга ўтган [10; 256 б.].

**Сирожуддин ал-Ўшийнинг “Фатовойи Сирожийа” асари ва ҳанафий мазҳабида ёзилган Фатво китоблари** Сирожуддин ал-Ўший яшаган даврда мазҳаб асосчиси кўтармаган масалаларни кўтарган учинчи даража мужтаҳидларининг ижтиҳоди

каби фатволарни тўплаш ишлари давом этди. Бу турдаги ишларга Абу ҳафс ан-Насафийнинг шогирди Аҳмад ибн Мусо ал-Кашшийнинг «Мажму‘ ан-навозил», Ифтохор ад-дин ал-Бухорийнинг «ан-Нисоб» асарлари ҳам киради. Шу жумладан, фақиҳлар турли фиқҳ масалалари бўйича фатволарни ҳам тўплаб бордилар. Масалан, ас-Садр аш-Шаҳид «ал-Воқи‘от ал-хусомийя фи мазҳаб ал-ҳанафийя» асарининг ҳар бир бўлимида («китоб»ида) Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг «Китоб ан-навозил», «Китоб ал-‘уйун», Абу-л-‘Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Нотифийнинг (в. 446/1054-55 й.) «Китоб ал-воқи‘от» китобларидан олинган фатволар ва Абу Бақр Муҳаммад ибн ал-Фадл ал-Бухорий ҳамда самарқандлик фақиҳларнинг фатволари учун алоҳида боблар ажратади. Шунингдек, ‘Абд ар-Раҳмон ибн Муҳаммад ал-Кирмоний (в. 543/1148-49 й.) ҳам «Жавоҳир ал-фатово» номли асарининг ҳар бир боб («китоб»)ида ‘Ато’ ибн ҳамза ас-Сугдий (V/XI аср) ва Абу ҳафс ан-Насафий фатволарига алоҳида боблар ажратди. Бундай тўпламларни тузган кишилар кўпинча ўз устозларига ва «ўзларининг фикрларича энг билимдон» бўлган кишиларга алоҳида ҳурмат билан қарайдилар. Кейинги даврда муаллифлар ўз тўпламларида илгариги чиқарилган фатволарни кўпроқ қамраб олишга интиланлар. Фахр ад-дин Қодихон ўзининг «Фатово Қодихон» тўпламининг кириш қисмида ёзади: «Бу китобда мен амалиётда тез-тез учрайдиган ва зарурият кучли бўлган масалаларни қайд этдим» [2; 86 б.].

«Като’иб а‘лом ал-ахйор»да ана шу даврда Мовароуннаҳрда тузилган 25 дан ортиқ фатво тўпламларининг номлари келтирилади. Натижада фақиҳлардан ас-Садр аш-Шаҳиднинг «ал-Фатово ал-кубро», Сирожуддин ал-Ўшийнинг «Фатовойи сирожийя», Бурҳонуддин ал-Бухорийнинг «Муҳит ал-Бурҳоний», Носир ад-дин Муҳаммад ибн Йусуф ас-Самарқандийнинг (в. 556/1160-61 й.) «Китоб ал-мултақат фи-л-фатово», ас-Садр ал-Кабирнинг «Китоб аз-захира ал-бурҳонийя фи-л-фатово», Фахр ад-дин Қодихоннинг «Фатово Қодихон», Заҳир ад-дин ал-Бухорийнинг «ал-Фатово аз-заҳирийя», Аҳмад ибн Муҳаммад ал-‘Аттобийнинг (в. 586/1190 й.) «ал-Фатово ал-‘аттобийя», Ифтихор ад-дин ал-Бухорийнинг «Китоб хулосот ал-фатово», «ан-Нисоб» ва бошқа фатво тўпламлари катта эътибор қозондилар [4. 167 а-бет].

Бу даврдаги мовароуннаҳрлик муаллифлар асарларининг таркиби мураккаб эди. Бундай тўпламларнинг тузилиши ҳақида ас-Садр ал-Кабирга тегишли «ал-Муҳит»нинг кириш қисмида айтган сўзига қараб хулоса чиқаришимиз мумкин: «Мен унда «ал-Мабсут», икки «ал-Жоми‘», «ас-Сийар» ва «аз-Зийодот»лардаги масалаларни тўпладим, уларни «нодир ҳукмлар» («ан-наводир» - мазҳаб масалаларининг иккинчи категорияси) ва фатволар (мазҳаб масалаларининг учинчи даражаси) масалалари билан тўлдирдим, уларга отам ривоят қилган масалаларни (фаро’ид) қўшдим, ўз замонам шайхлари дарслари олган «нозик масалалар»ни (дақо’иқ) унга қўшимча қилдим». Бу даврда фуру‘ ал-фиқҳ соҳасида муҳим матн ҳисобланган аш-Шайбонийнинг «ал-Жоми‘ ас-сағир» асаридаги масалалар анъанавий тарзда уч гуруҳга бўлинган: 1) аш-Шайбонийнинг бошқа асарларида учрамайдиган; 2) тез-тез қайтариладиган; 3) «ал-Мабсут» китоби таркибида, лекин бошқа ҳолатларда зикр этилган.

Сирожуддин ал-Ўший “Фатовойи Сирожиййа” асарида айнан юқорида зикр қилинган фатово йўналишида қалам тебратган фақиҳларнинг асарларига мурожаат қилади. Бу ўз навбатида янги тадқиқот йўналишларига замин яратади.

Демак Сирожуддин ал-Ўший яшаган даврда ҳанафийлик мазҳабининг асосий қонунларини ривожлантириш, тартибга солиш, мукаммаллаштириш унумли ва жадал равишда борган. Мовароуннаҳр мактаби номаёндаларининг бир неча авлодлари ўз замонларидаги жамият ҳаёти кўринишларининг ислом нормаларига тўғри келиши ва мазҳаб қонунларининг акс этиши нуқтаи назаридан деярли ҳаётнинг барча соҳаларини асосли равишда таҳлил қилиб чиқдилар. Улар фаолиятларининг натижалари бу минтақада яратилган фикҳга оид кўп сонли асарларда сақланиб қолган.

Сирожуддин ал-Ўший яшаган даврда Фарғона водийси Қорахонийлар давлати таркибига кирган бўлиб, бу минтақада ҳам ислом билмлари ўзига хос ривожланиб борди. Ўш хусусан Фарғона водийсидаги ҳанафий фикҳига оид илмий мероснинг ўзига хос жиҳатлари ва ислом илмлари ривожигаги ўрнини аниқроқ тасаввур қилиш учун Сирожуддин ал-Ўший илмий меросига мурожаат қилиш зарур. Чунки фақиҳ фикҳ ва калом илми борасида нодир манбалар ёзиб қолдирди. Масалан: 1 “Фатовойи Сирожиййа (Сирожуддин фатволари)”; 2. “Гулар ал-Ахбор ва Дулар ал-Ашъор (Сараланган хабарлар ва шеърий дурдоналар)”; 3. “Нисоб ал-Ахбор ли-Тазкират ал-Ахёр (Зиёли инсонларни хотирлашга оид маълумотлар)”; 4 “Жавоҳир ал-Аҳком (Шаръий ҳукм жавоҳирлари)”; 5. “Мухталиф ар-Ривоя (турли ривоятлар)”; 6. “Бад’ул-Амолий (Ёзувнинг бошланиши)” каби асарлари бунга мисолдир. Сирожуддин ал-Ўший асарларининг ислом дунёсида кенг тарқалганлиги фақиҳ илмий меросига қизиқиш катта бўлганлигидан далолатдир.

Фақиҳнинг “Фатовойи Сирожиййа” асари ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида №3009 инвентар рақам остида сақланади. Ушбу асар муқаддимасида хаттот Мавлоно Соқий Сирожуддин ал-Ўшийни нафақат фикҳ илми борасида балки ақида, балоғат, шеърият борасида ҳам етук олим бўлганлигини таъкидлайди [5. 1а-бет].

“Фатовойи Сирожиййа” асари олимнинг фикҳ илмига оид асари бўлиб, унда ислом ҳуқуқшунослиги қоидаларидан ташқари олимнинг фалсафий қарашлари, олам, борлиқ ва йўқлик муаммолари, маънавий ва моддий дунё боғлиқлиги ва у билан боғлиқ фатволар ҳам ўрин олган. Фақиҳ ўз асарининг “Адаб ал-Муфтий” муфтийлик одоблари бўлимида ҳозирги кун учун ҳам муҳим саналган жамиятда адолатни таъминлаш масаласига алоҳида урғу бериб шундай дейди: “... Аллоҳ адолатни севади. Адолат Аллоҳ наздида сеvimли амал эканми бас фатво берувчи фақиҳ ёхуд муфтий бунга жиддий эътибор қаратмоғи лозим. Чунки жамиятдаги адолат меъёрлари турли тойифалар тазийқи остида ўзгартирилса, оёқ-ости қилинса ундай жамият таназулга маҳкумдир” [6; 599 б.].

Бошқа фатово асарлардан ушбу асарнинг яна ўзига хос хусусиятларидан бири Сирожуддин ал-Ўший Муҳаммад (а.с.)нинг таржимаи холларида ота томонларидан йигирма пушт аждодларининг номма-ном келтирилганлигидир. Шунингдек уларнинг таваллуд ва вафот саналари, ваҳий келган даврларга оид тарихий

жараёнлар, саҳобалар тарихига доир қимматли маълумотлар ва суннийликдаги икки мўътабар мазҳаб имомлари Абу Ҳанифа ва Имом Шофеъий таржимаи холлари ва илмий фаолиятларига доир энг нозик муҳим маълумотларни ҳам келтириб ўтганлар [5. 262а-бет]. Бунинг сабабини Мовароуннаҳр муслмонлари асосан икки мазҳабга эргашганликлари ва ҳанафийликка оид манбаларда қиёс тариқасида шофеъий мазҳаби қоидаларидан иқтибос келтирганликлари билан қиёслаш мумкин.

Фақиҳ ҳанафий мазҳабини маҳкам ушлаган ва унинг фикҳий қоидаларини амалиётда кенг тарғиб қилган. Масалан, асарнинг “Қароҳиятли амаллар ва Истиҳсон” бўлимида фақиҳ Абу Ҳанифанинг муҳим бир услуби яъни фатво чиқаришда маслаҳатлашув (шўро) амалиётига алоҳида эътибор қаратади. Сирожуддин ал-Ўшӣй бир масаланинг ечимини беришда фақиҳ ўз обрўсидан фойдаланиб ўз фатвосини ўтказиш ҳолатини қаттиқ танқид остига олиб, фатвони амалиётга қўллашдан олдин уни албатта сафдошлари эътиборидан ўтказиб олишни ва уларнинг маслаҳати ва фикрини эътиборга олишни шарт қилиб қўйиб, шу йўл билан ўртага ташланган масаланинг энг тўғри ечимини қабул қилиш йўлидан борганлар [11; 78 б.].

Фақиҳ, ушбу услуб орқали миллат ва жамият ҳаётига оид масалалар юзасидан фатво беришда ҳар қанча обрўли бўлмасин, ягона шахснинг фикри асосида эмас, турли фикрлар орасидан энг тўғриси танлаб олиш, яъни замонавий тушунчада демократик йўл билан қарор қабул қилиш йўлини илгари сурган ва шу йўлни қаттиқ ҳимоя қилган. Бу ёндашув X аср олдин минтақамиз ҳаётида демократик унсурлар қарор топганлигини асослашга имкон беради.

Сирожуддин ал-Ўшӣй ҳанафийлик мазҳабини энг тўғри мазҳаб сифатида эътироф этиб ўз асарининг барча нуқталарида Абу Ҳанифага чексиз эҳтиромини намоён қилган.

Аллома ўз асарининг “Рўза” бобида илм олиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, илмга интилган инсон муҳтожликдан холи бўлишини “Кимки илм қидирса, Аллоҳ унинг ризқига кафилдир” деган ҳадисга асосланган ҳолда тарғиб қилади [6; 160 б.].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Марказий Осиёга ҳанафийлик мазҳабининг ёйилиши ва исломнинг янги шароитларга мослашиш, миллий маданиятнинг янги шакллар касб этиш жараёни инсонлар ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларида - тил, санъат, маориф, дин, ахлоқ, маиший ҳаёт ва бошқа соҳаларда юз бера бошлади. Бу алоқаларнинг бир аспекти - назарий ва оммавий даражаларидаги ҳолат алоҳида аҳамиятга эга. Доимо назарий ислом қоидалари ва оммавий дин вакиллари - аҳоли ўртасидаги алоқаларнинг узвийлигини тامينлашда Сирожуддин ал-Ўшӣй каби уламоларнинг роли бағоят улкан бўлган ва бўлиб келмоқда. Ислом ватани - араблар элидан анча узоқликда жойлашган маданият ўчоғи - Мовароуннаҳрда унинг табиат, ўз тарихига эга бўлган цивилизация, тил, маданият, турли халқ, қабила, элат урф-одатлари хусусиятлари мавжуд бўлган бир шароитда уламоларнинг роли бошқа минтақаларга қараганда ҳам юқори бўлди. Шунинг учун Марказий Осиёда ислом тарихини, минтақалар бўйича ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишда Сирожуддин ал-Ўшӣй каби уламоларнинг илмий меросини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки Марказий Осиёда ҳанафий мазҳаби бошқа исломий мазҳаблар, фирқалар,

мактаблар, тариқатлар орасида ўзига хос мавқени эгаллайди. Тадқиқ этилган манбалар шуни кўрсатадики, Мовароуннаҳрда IX асрдан бошлаб то XIII аср охиригача ҳанафийликда узлуксиз доимий анъаналар давом этган. Минтақадаги барча шаҳар мактабларининг бирлашиши оқибатида вужудга келган ягона Мовароуннаҳр мактабининг Марказий Осиё цивилизацияси учун ички аҳамияти ва мазкур мактабнинг умумислом ҳанафий мазҳаби таълимотларини ривожлантириш борасидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Дарҳақиқат, ислом дунёси миқёсида илғор ўринларга кўтарилган Сирожуддин ал-Ўший каби Мовароуннаҳр фақиҳларининг илмий салоҳияти юқори бўлиб, улар диний илмларнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатиб, мумтоз асарлар яратдилар. Сирожуддин ал-Ўший фиқҳ доирасида қилган илмий изланишларини қуйидаги йўналишларда тақсимлаб кўрсатиш мумкин:

1. Мовароуннаҳр воқелигига асосланган ҳолда мазҳабда ечилмай келинаётган янги, долзарб масалалар бўйича фатволар берилган.

2. Мазҳаб асосчилари, ўтган давр фақиҳлари, ўз замондошлари чиқарган фатволарни асарга жамланган.

3. «Фуру' ал-фиқҳ» нормаларини тартибга келтириб, «Фатовойи Сирожиййа» асари мисолида ҳанафий фиқҳи бўйича нодир тарихий қўлланма, дарслик яратилган.

4. Фиқҳ ичидаги хусусий ва бошқа диний-илмий соҳалар билан чегарадош бўлган фанлар бўйича билдирилган фикрлар ривожлантирилган.

Мовароуннаҳр ҳанафийларининг умумислом назарий мафқурасини ривожлантиришдаги роли, беқиёс хизматлари исбот талаб этмайдиган, аниқ масаладир. Бу ҳақда уларнинг юзлаб асарларининг жаҳон қўлёзма хазиналаридаги минглаб нусхалари, энг замонавий матбааларда бу асарларнинг қайта-қайта илмий нашр этилаётгани яққол далилдир.

#### **ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР**

1. Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий. Муҳиту-л-бурҳоний. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти. – Қўлёзма № 5835. – 675 в.
2. Бекмирзаев И.И. “Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорий ва Мовароуннаҳр қозилиги” Монография, Тошкент: Таълим нашриёти, 2011. – 200 б.
3. Большаков О.Г. Средневековый город Ближнего Востока: VII-середина XIII вв.: Социально-экономические отношения. – М.: Восточная литература, 2001. – 344 с.
4. Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий. Като'иб а'ломи-л-ахйор. – Тошкент: ФАШИ. – Қўлёзма № 91. – 375 в.
5. Сирожуддин ал-Ўший. Фатовойи Сирожиййа. – Тошкент: ФАШИ. – Қўлёзма № 5934. – 271 в.
6. Сирожуддин ал-Ўший. Фатовойи Сирожиййа. – Байрут: Дор ал улум Закариййа, 1432/2011. – 675 б.
7. Хусомуддин Садр Шаҳид, Фатово ас-суғро ав фатово Садр Шаҳид. – Тошкент: ФАШИ. – Қўлёзма № 5934. – 221 в.

8. Хусомуддин Садр Шаҳид. Фатово ал-кубро. – Тошкент: ФАШИ. – Қўлёзма № 7857. – 529 в.
9. Мустафо ибн ‘Абдуллоҳ Румий Ҳанафий шаҳир би-Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун ‘ан асмо’и-л-кутуб ва-л-фунун. 2 томлик. – Макка: Мактабату-л-файсалийя, 1401/1981.
10. Муминов А.К. Роль и место ханафитских ‘улама’ в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII в): Дис. ... докт. ист. наук. – Тошкент: ТИУ, 2003. – 304 с.
11. Қориев О. Фарғона фикҳ мактаби ва Бурҳонуддин ал-Маргиноний. – Тошкент: Фан, 2009. – 236 б.
12. Рахимджанов Д.А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи ма’рифат ‘уламо’ Самарқанд” асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба: Дис. ... тарих фан. номз. – Тошкент: ТИУ, 2003. – 169 б.